

СИЛ БИЛАН КАСАЛЛАНГАНЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА БЕМОРЛАР ХАРТИЯСИ

БЕМОРЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ



Мазкур нашр АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) орқали кўрсатилган Америка халқининг ёрдамида Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Силга қарши кураш ҳамкорлик лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Нашр мазмуни бўйича маъсулият тўлалигича Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотига юклатилади ва USAID ёки Америка Қўшма Штатлари ҳукумати расмий нуқтаи назарини ақс эттириши шарт эмас.



USAID
AMERIKA XALQIDAN



**Всемирная организация
здравоохранения**

СИЛ БИЛАН КАСАЛЛАНГАНЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА БЕМОРЛАР ХАРТИЯСИ

Хартия ҳақида

Сил билан касалланганларга тиббий ёрдам кўрсатиши ҳақидаги Беморларнинг Хартиясида (кейинги ўринда – Хартия) сил беморларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ақс эттирилган. Хартия сил билан оғриган касаллар ва умуман аҳолининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишлари асосида ўз имкониятларини оширишига қаратилган. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги сил беморларининг ташаббуси ва иштирокида яратилган ушбу Хартия, сил касаллари ва тиббий муассасалар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларини ўрнатишига кўмаклашади.

Хартияда шундай зарур бўлган ёндашувлар ифода этилган-ки, бу орқали, беморлар, аҳоли, тиббий муассасалар (ҳам хусусий, ҳам давлат) ва ҳукуматлар очиқ ҳамкорликка асосланган сил касалларига ёрдамни яхшилаш ва даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида ўзаро муносабатларни ўрнатишлари мумкин. Хартия ушбу жараёнда иштирок этувчи барча томонларни бир-бирлари олдидаги масъулиятларини ошириши, яқин ҳамкорликни йўлга қўйиши ва шериклик муносабатларини шакллантиришига чорлайди.

Хартия беморга қаратилган тиббий ёрдам кўрсатиши тамойилини кенг жорий этиш мақсадида Халқаро силни даволаш стандартлари (батафсилроқ: [http:// www.worldcarecouncil.org](http://www.worldcarecouncil.org) да) яратилаётган бир вақтда ишлаб чиқилган.

Хартия матнида Бирлашган Миллатлар Ташиқилоти, ЮНЕСКО, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташиқилоти (ЖССТ), Европа Кенгаши, шунингдек бошиқа миллий ва халқаро хартия ва конвенцияларда, жумладан, БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар ва инсоннинг саломатликка оид ҳуқуқлари бўйича Қўмитасининг 14-сонли умумий тартибдаги мулоҳазасида, ЖССТнинг соғлиқни мустаҳкамлаш бўйича Оттава Хартиясида, Европа Кенгашининг инсоннинг ҳуқуқ ва шаънини ҳимоя қилиш конвенциясида (биология ва тиббиётга оид) ҳамда ЮНЕСКОнинг биоэтика ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Умумжаҳон декларацияси лойиҳасида инсон соғлигини муҳофаза этиши ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойиллари ўз ифодасини топган (батафсилроқ: [http:// www.worldcarecouncil.org](http://www.worldcarecouncil.org) да).

Беморларнинг сил билан касалланганларга тиббий ёрдам кўрсатиши ҳақидаги Хартияси сил билан оғриган беморларнинг фаол иштироки тамойилини эълон қилади, унга кўра бундай иштирокнинг кенгайтирилиши сил билан оғриган бемор, тиббий муассасалар ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида самарали ҳамкорликни тезлаштирувчи вазифасини бажариб, айна пайтда «Силни тўхтатиш» стратегиясини муваффақиятли амалга оширишининг зарур шартин ҳам ҳисобланади. Хартия – илк глобал миқёсдаги тиббий ёрдамнинг стандартини бўлиб, беморнинг фаол иштирокини рағбатлантириш ва барча сил билан оғриган касалларнинг фаровон ҳаёти йўлидаги онгли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишига қаратилган.

СИЛ БИЛАН КАСАЛЛАНГАНЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА БЕМОРЛАР ХАРТИЯСИ

БЕМОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Беморлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Тиббий ёрдам

- Сил касаллиги ташҳиси қўйилган даврдан бошлаб, даволаш курси тугагунга қадар ҳар қандай вақтда бепул ва оммабоп тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи. Ушбу ҳуқуқ беморнинг ирки, жинси, ёши, тили, ҳуқуқий мавқеи, қайси динга эътиқод қилиши, жинсий йўналиши, маданий хусусиятлари ва бошқа касалликлар мавжудлиги ва тиббий муассаса туридан қатъий назар кафолатланиши керак.
- Беморлар, улар эҳтиёжларига қаратилган янги *Халқаро сил касаллигини даволаш стандартларига* мос бўлган тиббий маслаҳат олиш ва даволаниш ҳуқуқи эга. Жумладан, ушбу ҳуқуқ қуйидагиларга таалуқли: кўп дориларга чидамли (КДЧ) бўлган сил касаллиги ҳоллари ва одам иммунодефицит вируси (ОИВ) инфекцияси билан қўшма сил касаллиги ҳоллари, шунингдек, кичик ёшдаги болалар ва хавфли гуруҳга кирувчи бошқа шахсларни сил касаллигидан профилактика қилиш ва даволаниш ҳоллари.
- Кенг камровли тиббий ёрдам дастурларининг бир қисми ҳисобланган аҳоли ўртасидаги фаол тиббий, санитарияга оид маърифий-тарғибот тадбирлари ва сил касаллигини олдини олиш тадбирлари натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқи.

Ҳурмат ва қадр-қиммат

- Ҳурмат ва қадр-қимматли муносабатга, жумладан, тиббий муассасалар ва ҳокимият идоралари вакиллари томонидан стигматизация, камситишга йўл қўйилмаслигига бўлган ҳуқуқ.
- Беморнинг оила аъзолари, дўстлари ва умуман аҳоли томонидан унга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишлари ва маънавий қўллаб-қувватлаш муҳитида беморнинг сифатли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи.

Маълумот

- Сил билан оғриган касалларни даволаш учун мавжуд бўлган тиббий хизматлар, сил касаллигини даволаш билан боғлиқ мажбуриятлар, бевосита ва билвосита сарф-харажатлар ҳақидаги маълумотларни олиш ҳуқуқи.

- Касаллик ташҳиси, унинг эҳтимолий ривожланиши, такдим этилаётган даволаниш курси ҳақидаги маълумотларни, энг кўп тарқалган хавфлар ва даволашнинг муқобил ёндашувлари тўғрисидаги ахборотлар билан бирга беморнинг ҳолатига оид қисқача ва аниқ таърифларни ўз вақтида олиш ҳуқуқи.
- Тиббий дори-дармонлар номланиши ва белгиланган миқдори, бошқа тайинланаётган муолажалар, уларнинг таъсири, эҳтимолий ножўя таъсирлари ҳамда уларнинг бемор ҳолатига ва айни вақтда ўтказилаётган даволаш турларига таъсири ҳақидаги маълумотларни олиш ҳуқуқи.
- Беморнинг ҳолати ва даволаш курсига оид тиббий маълумотлар, шунингдек, бемор ёки унинг вакили бўлган шахс илтимосига кўра тиббий ҳужжатлардан кўчирма олиш ҳуқуқи.
- Ўзига яқин инсонлар ва бошқа беморлар билан учрашувлар ва тажриба алмашишларни ўтказиш ҳамда ташҳис қўйилган вақтдан бошлаб, то даволаш курси тугагунга қадар исталган вақтда ихтиёрий равишда маслаҳат (консультация) олиш ҳуқуқи.

Танлаш ҳуқуқи

- Аввалги тиббий ҳужжатлар билан танишиш имконияти бўлган ҳолда, бошқа тиббий муассасага мурожаат қилиш ҳуқуқи.
- Жарроҳлик муолажаларига рози бўлиш ёки дори-дармон воситасида даволаш имконияти мавжуд ҳолларда ундан воз кечиш ҳуқуқи, шунингдек, юқумли касаллик билан боғлиқ бўлган тиббий ва юридик оқибатлар ҳақидаги маълумотларни олиш ҳуқуқи.
- Даволаш жараёнига зарар етказмаган ҳолда илмий-тадқиқот тиббий дастурларида иштирок этишга рози бўлиш ёки рад жавобини бериш ҳуқуқи.

Махфийлик

- Шахсий характердаги маълумотларнинг махфийлиги таъминланишига ва беморнинг кадр-қиммати, диний эътиқоди ва маданий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга оид ҳуқуқ.
- Махфийлиги тасдиқланган тиббий маълумотларни фақат беморнинг розилиги билан олиш ва уларни бошқа ташкилотларга бериш ҳуқуқи.

Юридик ҳуқуқлар

- Соғлиқни сақлаш идоралари томонидан кўзда тутилган тартибга мувофиқ шикоят қилиш ва уни тез ва адолатли кўриб чиқишига оид ҳуқуқи.

- Агар шикоятни тақдим этиш ва кўриб чиқишга оид ҳуқуқ қаноатлантирилмаган бўлса, юқори идораларга апелляция киритишга ва апелляция натижалари ҳақида ёзма равишда жавоб олишга оид ҳуқуқи.

Сил билан оғриган беморлар бирлашмалари

- Сил беморлари ва уларнинг яқинлари бирлашмаларда иштирок этиш ва уларни тузиш, шунингдек, тиббий муассасалар, ҳокимият идоралари вакиллари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари томонидан бу каби бирлашмалар ва маҳаллий уюшмалар фаолиятини қўллаб-қувватланишига оид ҳуқуқ.

- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги маҳаллий, миллий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда сил билан курашиш борасидаги сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашда манфаатдор томон сифатида иштирок этиш ҳуқуқи.

Кафолатлар

- Ташҳис қўйилиб, даволаш курси тугаб, керакли реабилитация курсини ўтгандан кейин кафолатланган иш жойи борлигига оид ҳуқуқ.

- Кафолатланган овқатланишга ва зарур бўлса, даволаш муваффақиятли кечиши учун, қўшимча овқатланишга оид ҳуқуқи.

БЕМОРЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Беморларнинг қуйидаги мажбуриятлари мавжуд:

Маълумот тақдим этиш

- Беморнинг айна вақтдаги саломатлиги ҳолати, олдинги касалликлари, аллергия таъсирчанлиги ва ҳар қандай бошқа муҳим омиллар ҳақида имкон қадар тўлиқ маълумотларни тиббий хизмат кўрсатувчиларга тақдим этиш мажбурияти.
- Сил бемори билан мулоқотда бўлиш натижасида сил инфекцияси билан зарарланиши мумкин бўлган оила аъзолари, яқин дўстлари, бошқа шахслар билан бўлган мулоқотлар ҳақида тиббий хизмат кўрсатувчиларини хабардор қилиш мажбурияти.

Даволаниш режимига риоя қилиш

- Ўз соғлиги ва атрофдагилар саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида тайинланган ва тасдиқланган даволаниш режимига риоя қилиш ҳамда шифокор кўрсатмаларини онгли равишда бажариш мажбурияти.
- Тайинланган даволаниш режимига риоя қилиш билан боғлиқ ҳар қандай қийинчилик ва муаммолар туғилганда, ҳамда даволаш жараёни бўйича беморда саволлар юзага келганида тиббий хизмат кўрсатувчиларини хабардор қилиш мажбурияти.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга ҳисса қўшиш

- Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ҳисса қўшиш ва сил касаллиги аломатлари кузатилган шахсларни тиббий ёрдамга муурожаат қилишларига чақириш мажбурияти.
- Сил беморларининг ўзаро ҳурмат ва кадр-қимматга асосланган муносабатларини англаган ҳолда бошқа беморлар ва тиббий хизмат кўрсатувчилар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мажбурияти.

Ҳамжиҳатлик

- Умумий мақсад - сил касаллигидан тузалишга эришиш учун, сил касаллиги билан оғриган беморлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик муносабатларини сақлашга оид маънавий мажбурият.
- Сил касаллигидан даволаниш давомида олинган маълумотлар ва билимлар билан алмашиш, ушбу билимларни атрофдагиларга тақдим этиш, ҳамда уларни ўзаро билим алмашишларига чорлаш маънавий масъулияти.
- Ён-атрофдаги дунёни сил касаллигидан холи ҳудуд қилишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолиятларда иштирок этишга оид маънавий масъулият бурчи.

